

## **Таянч докторантурага қуйидагилар қабул қилинади:**

➤ юридик соҳа бўйича бакалавр ва магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;

➤ юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар;

➤ илмий тадқиқотлар учун танланган мавзу билан боғлиқ камида уч йиллик иш тажрибаси;

➤ чет тилини билиш даражасининг миллий ёки тегишли халқаро сертификати.